Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 8 сентябрь, сешанба • № 109 (22.346).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президент Озарбойжонга жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 сентябрь куни «Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклашга бағишланган халқаро конференцияда иштирок учун Озарбойжон пойтахти — Боку шаҳрига жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида Президентни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Ислом Каримов Бокуга келди

Боку, 7 сентябрь. (ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади).

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Буюк Ипак йўли"ни қайта тиклаш бўйича халқаро конференцияда иштирок этиш учун Бокуга келди.

Боку аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев кутиб олди.

Президентларнинг мухтасар мулоқотидан сўнг шу ернинг ўзида Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари учун қисқача интервью берди. Сўнгра Президент Ислом Каримов ўзи учун ҳозирланган қароргоҳга йўл олди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев билан учрашди.

Халқаро конференция 8 сентябрь куни очилади. Унда жаҳоннинг қирққа яқин мамлакати ҳамда йигирмага яқин халқаро ташкилотдан вакиллар иштирок этади.

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистоннинг Миллий байрами нишонланаётган кунларда Италия халқи ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон халқига минтақада тинчлик ва барқарорлик шароитида гуллаб-яшнаётган истиқбол ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги ажойиб дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг тобора мустаҳкамланиб, ривожланиб боришини тилаб билдирган ғоят қизғин ва самимий истакларимни йўллашни хоҳлар эдим.

Самимий учрашувларимизни илиқ хотира билан эслаб, тез орада Римда бўладиган мулоқотимизни кутган ҳолда Сиз, Жаноби Олийларининг омонлигингизни тилаб дуолар қилиб қоламан.

Оскар Луижи СКАЛЬФОРО,
Италия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари,

Мамлакатингизнинг Миллий куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Греция халқи ва шахсан ўз номимдан қизғин қутловлар йўллашни истардим.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга шахсий бахт-саодат, шунингдек Ўзбекистон халқига омонлик ва равнақ тилаб, самимий истакларимни изҳор этаман.

Константинос СТЕФАНОПУЛОС,
Греция Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистоннинг Миллий куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўз қутловларимни ва Ўзбекистон халқига омонлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

БЕАТРИКС,
Нидерландия Қироличаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент,

Азиз қардошим,

Дўст ва қардош Ўзбекистон Мустақилликка эришганининг етти йиллиги муносабати билан Сиз зоти олийларини ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқини самимий қутлайман.

Ўтган етти йиллик муддат давомида Ўзбекистон жуда катта муваффақиятларни қўлга киритди. Бу қисқа вақт ичида ўлкангиз ҳар соҳада эришган муваффақиятини ва Сизнинг йўлбошчилигингизда ривожланиш йўлида қилган интилишларини кўриб, буюк мамнуният ҳис этмоқдаман.

Келгусида давлатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ва ҳамкорлик имкониятларининг янада ўсишига ишонаман.


Фурсатдан фойдаланиб, Сиз зоти олийларига ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон халқига бахт ва соғлиқ тилаб, чуқур ҳурмат ва эҳтиромларимни йўллайман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,
Туркия Жумҳурияти Президенти

(Давоми 2-бетда)

«Таянчимиз ҳам, суянчимиз ҳам...»





СУРАТЛАРДА: матбуот анжумани пайти. *Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.*

Ҳали қалбларимиздан мустақиллик байрамининг етти йиллик тантаналари ҳарорати ўчгани йўқ. Ҳали юракларимизда йўлбошчимизнинг табрик нутқида изҳор этилган меҳру муҳаббат қондек, жондек гупуриб турибди. Улуғ халқимиз Истиқлол айёми бахш этган шиддаткор руҳ қанотларида сахий, нозикфеъл куз синовларидан бардош билан ўтиш учун белни маҳкам боғлаб чексиз далаларга чиқмоқда. Ватанимизнинг эртаси ота-онамизнинг сочидаги оқдек ёруғ. Биз — фарзандлар бу оқликка гард қўндирмаймиз.

Ҳар бир давлат, ҳар бир халқ ўз ҳаёти билан яшайди. Ва айни пайтда бизнинг асримизда дунёдаги бошқа давлатлардан, халқлардан ҳам айро яшаши мумкин эмас. Чунончи, кейинги кунларда рўй берган Россиядаги сиёсий, иқтисодий инқироз бутун дунё жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Жаҳоннинг энг йирик давлатларидан бирида кечаётган таназзул илдизлари қаерда? Қаердан бошланган? Бу инқироз оқибатлари Россия билан ўзига хос муносабатларга эга Ўзбекистонга қандай таъсир қилади?

Одатда, давлатимиз раҳбари чет элга қиладиган сафари арафасида журналистлар саволларига аэропортда жавоб берарди. Аммо, бу галги — Озарбойжон Республикасига сафар олдидан махсус матбуот конференцияси уюштирилди. Президент Ислом Каримов Россия Федерациясидаги инқироз, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатлари ва журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга батафсил жавоб берди. Шу боис анжуман ғоят қизиқарли руҳда ўтди.

Юқоридаги саволларга жавоб берар экан, юртбошимиз Россиядаги бугунги инқироз илдизлари 1991 йил воқеаларига бориб тақалишини таъкидлади. Ўшанда мустабид империя кўҳна девордек нураб, унинг ўрнида янги мустақил давлатлар қад ростлагач, ҳар бир ёш давлат ўз тараққиёт йўлидан борди. Россия ҳам очиқ, демократик жамият қуриш, бозор иқтисоди тизимини ўрнатиш йўлини танлади. Бироқ, орадан етти йил муддат ўтган бўлса-да, Россияда бу борада сезиларли муваффақиятларга эришилдими? Россия иқтисодини оғир хасталикдан олиб чиқиш, ким бўлишидан қатъи назар — Ельцинми, Кириенко ёки Черномирдинми — шахсларга эмас, балки танланган йўлнинг тўғрилиги, мақсаднинг қай даражада аниқ-равшанлигига боғлиқ. Сиёсатдаги кичик хато ёки янглишиш ҳам иқтисодда катта ўпирилишларга олиб келиши мумкин. Демократик жамиятга молиявий ўйинлар, сиёсий беқарорлик, иқтисоддаги кўзбўямачиликлар билан эришиб бўлмайди. Ҳар бир давлатнинг ўз йўли, ўз модели бор. Чунки, ҳар бир халқнинг ўз қарашлари мавжуд. Чамаси, Россияда ана шу жиҳатларга етарлича эътибор берилмади. Натижада, давлат қарзлари ўсиб кетди. Даромад ва буромад мувозанати бузилди. Даромад берадиган тармоқларни ривожлантириш суст кечди. Кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ишламай қолди. Қанчадан-қанча ишчилар ўз иш машғулотларидан маҳрум бўлдилар. Бундай пайтда фойда келтирмайдиган харажатларни озайтириш, солиқ тушумини кўпайтириш, давлат тақдирини ҳал қиладиган тармоқларга кредит беришни изчил йўлга қўйиш зарур эди. Афсуски, Россия иқтисодчилари кундалик ҳаёт билан яшадилар. Масалан, Москванинг ўзида, бутун мамлакатда бўлгани каби, озиқ-овқат маҳсулотларининг катта қисми чет элдан келтириларди. Бу эса Россия иқтисодини хорижга керагидан ортиқ даражада боғлаб қўйди. Илгари дўконларда ҳамма нарса бўлса-да, одамларда пул йўқ эди. Бугунга келиб эса дўконлар ҳам бўм-бўш. Россияликларнинг кечаги ташвиши бугунги кунда чин маънода ваҳимага айланди. Бу ваҳима эса асосан оддий одамларни чўчитиб, ҳатто қўрқитиб қўйди.

Йўлбошчимиз журналистлар саволларига жавоб берар экан, Россияда кечаётган инқироз манзараларини шу тахлитда тасвирлаб берди. Ва бундан қутилиш сабабларидан асосийси ўлкада сиёсий барқарорликка эришишдир, деб айтди. Раҳбарга, ҳукуматга ишонч бўлмаса, уни ким бошқаришидан фойда йўқ. Бугунги кунда парламент асосан коммунистлар таъсирига тушиб қолди. Ахир, уларга ишониб бўлмаслигини тарих ҳақиқати исбот этиб турибдику. Менга қолса, сиёсатчиларда энг аввало имон-эътиқод, ирода бўлиши зарур. Кеча бошқа, бугун бошқа бир платформада турган «сухандон»лардан нимани кутиш мумкин?

Россиядаги ҳозирги вазият Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ҳаётига қандай таъсир қилиши мумкин, деган саволга келсак, таъкидлаб ўтишим лозимки, биз бундай ҳолатдан етарлича ҳимояланганмиз, деди Президент. Ҳукуматимиз бундай хавфнинг олдини олиш учун аниқ режа ва дастурга эга. Хориж билан умумий маҳсулот айирбошлашимизнинг бор-йўғи 15-17 фоизигина Россия ҳиссасига тўғри келади. Бунда ҳам биз Россиядан озиқ-овқат маҳсулотлари эмас, асосан техник ва технологик асбоб-ускуналар сотиб оламиз. Россия бозорларида озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳоси кейинги икки ҳафтада уч баробардан ҳам кўтарилиб кетди. Шунга қарамай, у бизнинг ички бозоримиздаги озиқ-овқат маҳсулотларига жуда оз миқдордагина таъсир қилиши мумкин. Биз Россиядан олаётган маҳсулотларимиз ҳажмини сезиларли миқдорда қисқартирдик. Ва яна рубль билан эмас, доллар билан ҳисоб-китоб юритиш йўлини танладик. Мен давлат раҳбари сифатида бутун халқимизни ишонтириб айтишим мумкинки, деди юртбошимиз, гўшт, шакар, ун, чой, гугурт, туз, совун, ўсимлик ёғи каби ўн етти хил кундалик эҳтиёжмолларига танқислик бизда ҳеч қачон сезилмайди. Пухта ҳисоб-китобларга кўра, 1999 йилнинг 1 январида бир кунлик озиқ-овқат заҳирамиз ўтган шу даврга нисбатан бир неча баробар кўп бўлади. Озиқ-овқат таъминотида ҳеч қандай узилишга йўл қўйилмайди. Мавжуд заҳираларимиз узоқ муддатга етади. Буни бутун халқимиз тўғри тушуниб етиши лозим.

Журналистларни Президент И. Каримовнинг Озарбойжонга бўлажак расмий ташрифидан кутилаётган мақсад қизиқтирди. Қурилиши давом этаётган ТРАСЕКА йўналишининг Ўзбекистон иқтисоди, умумий тараққиёти учун аҳамиятини таъкидлаб ўтди.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика истеъмолчиларининг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш, аҳолини улар билан таъминлашда зарур тартиб ўрнатиш ва жисмоний шахслар томонидан нефть маҳсулотларини ноқонуний сотиш ҳолларини бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Белгилансинки, 1998 йил 15 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар, шу жумладан хорижий ва қўшма корхоналар томонидан нефть маҳсулотларини сотишга доир фаолият фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан бериладиган махсус рухсатномалар (лицензиялар) асосида амалга оширилади.

Махсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлмаган юридик шахслар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан барча турдаги нефть маҳсулотларини сотиш тақиқлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1994 йил 19 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Корхоналар (ташкилотлар)га фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш тартиби тўғрисида Низомнинг 2-банди (ўнинчи хат боши) «Нефть ва газ қазиб олиш, қайта ишлаш ва» сўзларидан кейин «нефть маҳсулотларини» сўзлари билан тўлдирилсин ва сўнгра матн бўйича.

Вазирлар Маҳкамаси Нефть маҳсулотларини сотиш лицензия олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартибини, шунингдек, томонларнинг жавобгарлиги кўрсатилган лицензиянинг намунавий шаклини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

2. Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

Нефть маҳсулотларини сотишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши юзасидан жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Тош-

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сонини қисқартиришга доир чора-тадбирлар комплекси тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, республикада бошқарув тузилмалари сонини мақбуллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сони кўпайиши билан боғлиқ харажатлари ошиб бормоқда.

Амалда маҳаллий бюджетлар ёки хўжалик ҳисоби асосида ишлаётган корхона маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминланаётган фаолият кўрсатиб турган бошқарув тузилмаларини турли баҳоналар ва ҳар хил сабаблар билан кенгайтириш ҳамда янги бошқарув тузилмаларини ташкил этиш ҳолларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Бу ортиқча бошқарув аппарати харажатларига анчагина маблағларни жалб этиб барча даражалардаги маҳаллий бюджетларга зарар етказибгина қолмай, энг муҳими, хўжалик юритувчи субъектлар мутлақо кераксиз ўнлаб бошқарув тузилмаларини ташкил этиб амалда маъмурий-буйруқбозлик тизимида қолиб кетмоқда.

Янги маъмурий-бошқарув тузилмаларининг юзага келиши билан ўзининг асосий вазифасини буйруқбозлик кўрсатмалари тайёрлашда ва бошқарувнинг маъмурийлашувида деб билувчи, бу билан баъзан хўжалик юритувчи субъектлар — қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналари, қурилиш, савдо ва бошқа ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолияти эркинлиги ва мустақиллигини йўққа чиқарувчи янги буйруқбозлик бўғини пайдо бўлмоқда.

Бундай ҳолни чидаб бўлмайдиган ҳамда бозор иқтисодиёти принциплари ва талабларига мувофиқ келмайдиган ҳолат деб, ҳисоблаб Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Маъмурий-бошқарув аппарати тузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг ходимлари сонини қисқартириш бўйича Республика комиссияси ва ҳудудий комиссиялар тузилсин.

Қуйидагилар:

Республика комиссияси; ҳудудий комиссиялар раҳбарлари тасдиқлансин.

Ҳудудий комиссиялар раҳбарлари молия, солиқ органлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари назорат инспекциялари, иқтисодиёт ва статистика бош бошқармалари, вилоят меҳнат бошқармалари, ҳудудий адлия органларининг раҳбарларидан иборат ҳудудий комиссияларнинг шахсий таркибини Республика комиссиясига тасдиқлаш учун уч кун ичида киритсинлар.

(Давоми 3-бетда)

Фидойиликдан ўзга йўл йўқ

Бугун — Халқаро журналистлар бирдамлиги куни

Сўз ҳақиқат ва ёлғондан иборат. Яна шуниси ҳам маълумки, агар Сиздан «қай бирини танлайсиз»; деб сўрасак шубҳасиз ҳақиқат дейсиз. Халқ орасида эса ҳақиқат қадрли деган гап бор. Чунки инсон зоти табиатан билишга, билганда ҳам ҳақиқатни билишга жуда ўч. Афсуски, биз кундалик ҳаётда рост сўздан кўра ёлғонга кўпроқ дуч келамиз. Ўзимиз билиб-билмай ростни эмас, ёлғонни қадрлаймиз, айни пайтда ўзимиз ҳам ёлғон сўз билан қадр топамиз. Чунки, ҳақиқат аччиқ бўлади. У аксарият ҳолда на айтувчининг, на эшитувчининг манфаатига тўғри келмайди. Ахир инсон ўзининг қанчалик айбсиз бўлишини хоҳламасин, барибир беайб парвардигордир. Шоир айтмоқчи:

Мукаммал кўрмоқчи бўлдик дунёни,
Етук бўлолмадик ўзимиз бироқ.

«Хабар кўз билан кўргандек бўлмайди», деган кишининг сўзи жуда тўғридир. Чунки кўриш, кўринган нарсанинг ўзи бор пайтида ва ўз жойида турганида қаровчи кўзининг ўни учратишидан иборатдир, — дейди Беруний. Ва шундан сўнг мақсадга кўчади — Хабарга ёлғон-яшиқлар қўшилмаганда эди, у кўришга нисбатан ортиқроқ ўринда турган бўлар эди. Чунки... Хабар нарсанинг (қаровчига) кўринган вақтдан илгари ўтган ва кейин келадиган ҳолларидан дарак беради; ана шунинг учун хабар бор нарсалардан ҳам, йўқ нарсалардан ҳам дарак бераверади».

Бугун алломанинг ушбу сўзларини ўқиб ҳақиқатга дуч келамиз. Демак, 10 аср ҳам, умуман вақт тушунчаси ҳақиқат учун масофа ҳисобланмас экан. Бироқ, битта ҳақиқатнинг атрофида мингта ёлғон бемалол ўралашиб юраверади. Улар шунчалик тез келиб-кетадики, кўл устида ёмғирдан пайдо бўладиган пуфакларга ўхшайди.

Ҳурматли ўқувчи, нега биз дабдурустдан сўз ҳақида, ҳақиқат ва ёлғон ҳақида, хабар ҳақида гап бошладик? Келинг, яхшиси Сизни ҳам қийнамасдан мақсадга кўчайлик — бугун Халқаро журналистлар бирдамлиги куни. Биз ана шу ҳақда фикрлашмоқчимиз, холос. Ҳақиқат ва ёлғон деганимизнинг боисиким, журналист ана шу ҳақиқат ва ёлғон аралашиб кетган уммонда фаолият юритади. Сўз эса — Сиз ва Биз учун журналист топиб жўнатадиган ҳақиқат маржонларини етказиб келувчи кема. Улар бутунича Хабарни ташкил қилади. Кемада қанча маржон бўлиши, улардан яна қанчаси сохта эканлиги эса уммонда қолган журналистга боғлиқ.

Азиз ўқувчи, балки Сиз ҳамма касбнинг ҳам ўзига яраша машаққати бор-да, деяётгандирсиз. Агар шундай ўйлаётган бўлсангиз, шошилманг. Сизга Берунийнинг сўзлари билан жавоб берамиз:

«Кўпчилик томонидан ботирлик деб танилган хулқ, яъни уруш майдонларида баҳодирлик ва турли ҳалокатларга учрашни писанд қилмаслик ўша шижоатнинг бир туридир. Аммо унинг ҳамма турлари ичида энг юқори даражали бир хили — тўғри сўзни сўзлаш ёки тўғри ишни қилишда ўлимни писанд қилмасликдир».

АҚШда 1981 йилдан буён Журналистларни ҳимоя қилиш халқаро қўмитаси фаолият юритиб келмоқда. Ушбу нотижорат ва нопартиявий ташкилот журналистларнинг изидан тушиш ҳодисаларини рўйхатга олиш, уларни ҳимоя қилиш ва эркин матбуотни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади. Бундан икки йил олдин бу қўмита Ҳиндистон, Мексика, Фаластин ва Туркия журналистларидан бир гуруҳини Эркин матбуот халқаро мукофоти билан тақдирлаган, тақдирлаш маросимида эса қўмита директори вазифасидаги Уильям Орми тўртта журналистнинг хизматларини алоҳида санаб шундай унутилмас сўзларни айтган эди: «Улар ҳар куни ўз ҳаётлари ва мавқеини хавф остида қолдириб фаолият юритдилар. Шунинг учун ҳам дунёдаги бор журналистлар уларнинг олдида ўзларини қарздор деб ҳисоблашлари лозим».

Бундай ҳурмат ва ишончга сазовор бўлган журналистларни санаб ўтмасак ҳам бўлмас. Улар — Мексиканинг Тихуана шаҳрида чиқадиган «Сета» газетаси бош муҳаррири Жесус Бланкорнелос, Деҳлининг «Эйшн Эйж» газетаси репортёри Юсуф Жамил, «Арабик Медиа Интернет Нетуерк» бўлими бошлиғи ҳамда Фаластин бўйича ахборот бирлашмаси президенти Дауд Кутиаб, Туркиянинг ёпиб қўйилган «Узғур Гундем» газетаси бош муҳаррири, курдлар билан муносабат масаласига доир мақоласи учун 15 йилга озодликдан маҳрум қилинган Ўчак Ишик Юртчулар эди.

Уларнинг олдида барча журналистлар ўзларини қарздор деб ҳисоблашлари керак, деган гап одамни ларзага солади. Аммо, яна ўйлаб қоласан киши, демак, ҳақиқат учун курашаётган барча журналистлар оиласи олдида бутун халқ, жамият ҳам ўзини қарздор деб ҳисоблаши керак эмасми? Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида Россияда 15 нафар журналистнинг жонига қасд қилинган, 21 нафари эса ўз вазифасини ўташ жараёнида гаровга олинган. Демак, шунча оила ноҳақ жабр чеккан. Хўш, уларнинг айби нима? Халқ бу саволни дилига тугиши керак эмасми?

Яқинда қизларнинг оғзидан «журналист йигитга турмушга чиқиб бўлмайди», деган гапни эшитиб қолдим. Бу нима? Ҳадик эмасми? Турмуш ўртоғининг ҳамиша машмашаю хавф остида юришини қайси аёл хоҳлайди, ахир?

Бироқ, бундай масъулиятни кимдир бўйнига олиши керак. Журналист — жамият шифокори, дейишади. Агар улар бўлмаса ҳақиқатларни занг боса бошлайди, жамият касалланади.

Бу гапларни эътироф эта туриб бошқа бир ҳақиқатни кашф қилгандай бўламан. Президентимизнинг журналистларга, Тўртинчи ҳокимиятга алоҳида эътибор қаратаётганлари бежиз эмас экан. Бу бир томондан фидойилик сари ундовчи рағбат бўлса, иккинчи томондан қарама-қарши кучлардан ҳимоядир. Давлат раҳбарининг журналистларга кўмаклашаётган раҳбарни ўзига яқин олишию, тўғаноқлик қилаётганларга эса муросасизлиги ҳамма учун ўрнак бўлиши лозим.

Тўғри, ҳали ўзбек журналистикаси бу ишончу эътиборни оқлаб улгурган эмас. Аммо, шуниси ҳам аниқки, журналистика учун фидойиликдан бошқа йўл йўқ. Хоҳлаймизми-йўқми, ҳақиқат унинг энг сўнгги шиори бўлади. Ҳақиқат деган хилқатни эса улкан тоғларнинг тагидан, чуқур денгизларнинг тубидан олиб чиқишга тўғри келади. Орамизда ҳозирнинг ўзидаёқ ноҳақ қамалиб, яна ҳамкасблар кўмаги билан озодликка чиққан, ҳақиқатни толган журналист бор. Демак, ноҳақлик билан тўқнашув аллақачон бошланган ҳам...

Хуллас, Халқаро журналистлар бирдамлиги куни билан барча ушбу касб эгаларини қутлар эканмиз, бошингга қилич келса ҳам рост гапир, деган халқнинг фарзанди бўлган ўзбек журналистларига аввало ҳамжиҳатлик, яна мардлик, жасорат ва ҳалоллик сўраб қоламиз! Адолатни мақсад қилган жамиятимиз ва халқимиз манфаати йўлида юртбошимиз хоҳлаганидек енгилмас мушт бўлиб қад ростлашингизни кўриш барча юртдошларингизга насиб қилсин!

Сўнгги сўзни эса бугунги ҳамфикримиз бўлган Берунийга берсак:

«Ёлғонликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди. Ахир «Қуръон»да ҳам «Ўз зарарингизга бўлса-да рост гапиринг» дейилган-ку».

Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Самимий қутловлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноб Олийлари,

Миллий байрам, 1 сентябрь — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни самимий муборакбод этаман.

Яқинда, мамлакатимизга расмий ташрифингиз чоғида биз ўтказган учрашув ва суҳбатлардан мамнун бўлганлигимни яна бир бор изҳор қилишни истардим.

Ишончим комилки, Болгария Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги анъанавий яхши муносабатлар давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам ривожланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Петар СТОЯНОВ,
Болгария Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий куни муносабати билан Сизга барча канадаликларнинг эзгу истакларини йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Сизнинг мамлакатингиз Мустақилликни қўлга киритган пайтдан буён ўтган атиги етти йил ичида катта тараққиётга эришди. Ишончим комилки, мавжуд қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистонда ислоҳотларни давом эттириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бундан буён ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сиёсий алоқаларни кучайтириш имкониятларини яратаверади.

Сизга ва Ўзбекистон халқига келгуси йилда тинчлик ва равнақ тилайман.

Ромео ЛЕБЛАНК,
Канада генерал-губернатори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Миллий байрам — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва Сиз орқали Ўзбекистон Республикаси халқини сидқидилдан муборакбод этаман.

Тинчлик, равнақ ва омонлик тилаб билдирган ғоят самимий истакларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, Ўзбекистон билан Арманистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар мамлакатларимиз ва халқларимиз бахт-саодати йўлида ривожланиб ҳамда такомиллашиб бориш сари янги омилларга эга бўлади.

Эҳтиром билан,
Роберт КОЧАРЯН,
Арманистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Каримов,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва қардош ўзбек халқини сидқидилдан муборакбод этаман. Ўзбекистон ва Озарбойжондаги, халқаро ва минтақавий анжуманлардаги Сиз билан бўлган учрашувларимизни самимият билан эслайман. Биз мамлакатларимиз билан халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта аҳамият бермоқдамиз.

Ишончим комилки, бу дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш халқларимизнинг ҳаётий манфаатларига, минтақамизда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда тараққиёт ишига хизмат қилади.

Азиз дўстим, Сизга сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром билан,
Ҳайдар АЛИЕВ,
Озарбойжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами нишонланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига сидқидилдан самимий қутловлар йўллаш менга зўр мамнуният бахш этади.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош халқингизга эса тараққиёт ва равнақ тилаб, энг эзгу истакларимни изҳор этаман.

Камоли эҳтиром билан,

Муҳаммад Ҳусний МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингизнинг Миллий куни муносабати билан, шахсан ўз номимдан, Австралия ҳукумати ва халқи номидан Сизга, Ҳукуматингизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига қутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этади. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан буён ҳам равнақ топиб, мустаҳкамланаверишига ишончим комил.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Сэр Уильям ДИН,
Австралия генерал-губернатори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами нишонланиши муносабати билан шахсан ўз номимдан, Тунис ҳукумати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимни ҳамда сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош ўзбек халқига эса тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мамлакатларимиз ўртасида ўрнатилган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари бундан буён ҳам мустаҳкамланади, деб ишонч билдиришни, шунингдек, халқларимизга бундан буён ҳам равнақ тилашни истайман.

Зайнал Обидин бин АЛИ,
Тунис Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингизнинг Миллий байрами муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига бундан буён ҳам равнақ ва шахсан Сизга бахт-саодат тилаб билдирган самимий ва энг эзгу истакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро манфаатли асосда ва Ер юзида тинчлик манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, жадал тус олиб бораверишига ишончим комил бўлгани ҳолда Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни яна бир бор изҳор этиш учун шу имкониятдан фойдаланаман.

Киро ГЛИГОРОВ,
Македония Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистоннинг саодатли Мустақиллик куни муносабати билан Қувайт халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст халқингизга эса тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган бағоят самимий тилакларимни йўллаш менга жуда катта мамнуният бахш этади.

Жобир ал-Аҳмад ал-САБОҲ,
Қувайт Давлати Амири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва мамлакатингизнинг дўст халқига самимий қутловларимизни йўллаш бизга катта мамнуният бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса бундан буён ҳам тараққиёт ва равнақ тилайман.

Қобус бин САИД,
Уммон Султони

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Қардош Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан самимий табрикларимни йўллаб, ушбу улуғ айёмда Оллоҳ Таоло Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, офият, биродар Ўзбекистон халқига эса орзуларининг амалга ошишини, тараққиёт ва юксалиш ато этишини сўрайман.

Юксак эҳтиром ва самимий тилакларимни қабул этгайсиз.

Биродарингиз, Ал-ҲАСАН ИККИНЧИ, Марокаш Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Босния ва Герцеговина ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табрикларимни йўллайман.

Сизнинг халқингиз ва мамлакатингизга осойишталикка йўғрилган тараққиёт тилайман.

Президент жаноблари, Сизга зўр эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Алия ИЗЕТБЕГОВИЧ, Босния ва Герцеговина президиуми раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан Сизга энг самимий табрикларимни изҳор этиш шарафига муяссарман.

БМТ Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси Ўзбекистон ҳукуматининг наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасидаги қатъий изчиллигини ва узлуксиз саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Минтақада наркотик моддалар ва жиноятчилик муаммоларини ҳал этишда бундан буён ҳам самарали ҳамкорликни ва қўшма чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашишни сабрсизлик билан кутаман.

Ўзбекистонга ва унинг халқига келгусида гуллаб-яшнаш, тинчлик ва омад тилашга рухсат этгайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга зўр эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Пино АРЛАККИ, БМТ Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ижрочи директори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва қардош халқига қизғин қутловларимиз ва энг эзгу истакларимизни йўллашни истардим.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон Ҳукуматига Ислом конференцияси ташкилотининг ўз вазифаларини бажаришда кўрсатаётган мададингиз учун самимий ташаккуримни изҳор этаман.

Сизнинг доно раҳбарлигингизда Ўзбекистон Республикасининг қардош халқи бундан буён ҳам тараққий этиб, равнақ топишини қодир Оллоҳдан илтижо қиламан, шахсан Сизга эса бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Доктор Азеддин ЛАРАКИ,
Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби

Зирапчалар

Тасодифан кўзга тушган кичик зирапча ҳам одамни ноқулай аҳволга солиб қўяди. То уни кўздан чиқариб ташламагунча анча овора қилади. Баъзан эса кўзга жиддий шикаст ҳам етказиши мумкин... Кейинги йилларда истиқлол шарофати ила шиддат билан ривожланаётган Ўзбекистонимиз шаҳар ва қишлоқларида пайдо бўлиб қолаётган турли ақидапарастлар, халқимиз, динимиз табиатига ёт гуруҳлар пайдо бўлди. Ислом дини намоёндаси ниқобига ўралиб, халқни тўғри йўлдан чалғитишга уринаётган бундай кимсалар фаолияти мамлакатимиз қонунларига зиддир. Фарғона вилояти ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам янги таҳрирда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги республика қонуни ва бошқа қарорлар талабини бажара бориб, бу соҳада қонунчиликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Вилоят ҳудудида ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва виждон эркинлигини тўла таъминлаш учун барча чора-тадбирлар кўриляпти. Мачитларни қонун асосида қайта рўйхатдан ўтказиш, диний жамоалар, оқимлар ва гуруҳлар фаолиятининг қонунийлигини ўрганиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди. Бу тадбирлар асло динга қарши қаратилган эмас, аксинча диний жамоалар фаолиятини қонун ҳимоясига олиш, одамларнинг диний расм-русумларни бемалол бажара олишларига тўлиқ шароит яратишларига кўмаклашишдир.

Бироқ, юқорида айтганимиздек айрим ҳолларда дин, виждон эркинлигига доир қонунларни бузишга уринаётган, мавжуд ижтимоий-маънавий муҳитни лойқалатишга ҳаракат қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Баъзи бир ҳаддан ошган ақидапарастлар ҳатто давлатимиз хавфсизлигини издан чиқариш учун ташвиқот юргизишга уринганлар. Ўзини ваҳҳобийлик оқимига мансуб деб билган Ш.Назарбеков шу йил баҳорда Марғилон шаҳрида фуқароларни Конституцияга хилоф равишда мавжуд давлат тузумини ағдаришга ва исломий давлат тузишга даъват қилган. Унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Қўқон шаҳрида Ҳ. Жўраева, Б. Отажонова, Л. Муҳсинова, М. Набижонова каби ваҳҳобийлик йўлига кирган фуқаролар аёллар ва болаларга ғайриқонуний равишда диний таълим берганлар, ўз бузғунчилик фикрларини даъват қилганлар. Улар қонунни бузмаслик хусусида расман огоҳлантирилдилар.

Дин ва жамият

Шу ўринда бундай ҳолларда ақидапарастларга қарши маҳаллалар фаоллари ишини кучайтириш зарурлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Хўш, ўзларини сутдай оқ, мусичадай беозор кўрсатиб, халқни «дин софлигига» даъват этаётган ваҳҳобийлар кимлар? Суриштириб кўрсангиз, кўпларининг аслида қўли ҳам ҳалол эмас...

Қўқонлик ваҳҳобий оқими вакили Яҳё Исоқов қонунга хилоф тарзда валюта сотиб олиб, жиноятга қўл урган. Шу шаҳарлик яна бир ваҳҳобий Рустам Алимов эса кейинги икки-уч йил ичида жаъми 88216 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда номаълум кишилардан сотиб олиб, Қўқон шаҳар миллий банк бўлимидаги шахсий ҳисоб рақамига қўйган. Сўнг бу пулларнинг катта қисмига хориждан мол келтирган. Лекин доим ҳалол-покликдан огиз очадиган бу шахснинг салкам 30 минг сўм давлат солиғини тўламай, даромадини қасддан яшириб келганига нима дейсиз?

Халқ орасида ноқонуний чоп этилган диний-сиёсий китоблар, видеоёзувларни сотишга уриниш ҳоллари юз беряпти. Марғилонлик фуқаро Ҳ. Мадмаров босмахона белгиси бўлмаган «Сиёсат ва халқаро сиёсат», «Ислом давлатини ёйиш» китобларини сотишга уринаётганлиги аниқланди ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Марғилон шаҳар прокуратураси «Феруз» фирмаси видеокассеталар билан савдо қилиш бўлими бошлиғи Д. Мадвалиевнинг республика мусулмонлари диний идораси ва эксперт комиссияси рухсатисиз диний мавзудаги видеоёзувларни сотаётганлигини аниқлаб, унга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатди.

Умуман вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида ваҳҳобийлик оқимига мансуб бир неча шахс жиноят содир этганлиги аниқланди. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят Кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноят ишлари қўзғатилди. Айбланувчиларга нисбатан айблов хулосалари тасдиқланиб судга чиқарилди. Шуниси муҳимки, қўзғатилган жиноий ишларда 10 таси бевосита шаҳар, туман прокурорлари томонидан ўтказилган умумий назорат текширишлари натижасида қўзғатилган.

Вилоятимиз ҳудудида ваҳҳобийлар томонидан ўта оғир жиноятлар содир этилишининг олдини олишга муваффақ бўлдик. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш учун куч-ғайратларини аямаяптилар. Аҳоли орасида янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни тарғиб қилиш, тушунтириш ишлари олиб боряпмиз. Одамлар ваҳҳобийлик, диний экстремизм вакиллари, фундаменталистларни таниб, кимлигини билиб оляпти. Ҳа, кўзга тушган зирапча андак бесаранжомлик чиқариши мумкин, аммо ўз йўлидан олға кетаётган одамни у тўхтатиб қололмайди. Жамиятимиз ҳам шундай, у йўл-йўлакай ўзини тозалаб, буюк келажак сари дадил одимлайверади.

Юнус АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона вилоят прокурори ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.



Асирлар озод қилинди

Толиблар асирда ушлаб турган беш нафар Эрон фуқаросини озод қилди, деб хабар тарқатди Эроннинг ИРНА ахборот маҳкамаси.

Эрон ҳукумати яна 70 нафарга яқин Эрон фуқароси толиблар қўлида асирда ушлаб турилганини айтмоқда. Эрон ташқи сиёсат маҳкамаси «Толибон» ҳаракатини асирда ушлаб турилган барча эронликни озод этишга чақирди.

Иш ҳақи 500 фоизга оширилади

Нигерия давлат раҳбари барча тоифадаги давлат хизматчиларининг маошини 500 фоизга ошириш таклифини маъқуллади.

Сентябрь ойидан бошлаб Нигерияда давлат хизматчилари 800 найр ўрнига 5 минг 200 найр (62 АҚШ долларига тенг) иш ҳақи олади. Энди мамлакат президентининг маоши ҳам 87 минг найрдан 350 минг найрга (4 минг 100 АҚШ доллари миқдорида) кўтарилади.

Кузатувчиларнинг фикрича, шу вақтгача Нигерияда давлат хизматчиларининг маошлари жуда оз эди. Бу эса мамлакатда порахўрлик, таниш-билишчилик иллатларининг кенг тарқалишига сабаб бўлган.

Миналар нимани кутиб ётибди?

АҚШ давлат департаменти эълон қилган маърузада таъкидланишича, ҳозир дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакати ҳудудида пиёдаларга қарши ишлатиладиган 70 миллионга яқин мина ер тагида ўз қурбонини кутиб ётибди. Бундан бир неча йил аввал бундай миналарнинг сони 110 миллион донага етар эди.


Маълумки, ўтган йилнинг сентябрь ойида Осло шаҳрида пиёдаларга қарши ишлатиладиган миналарни йўқотиш муаммосига бағишланган халқаро конференция бўлган эди. Анжуманда миналардан фойдаланиш, тарқатиш, ишлаб чиқариш ва бошқа давлатларга сотишни чеклаш ҳақидаги халқаро конвенция қабул қилинди. Ушбу халқаро ҳужжатга ҳозирча дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакати қўшилган.

Бир кунлик ташриф

Франция президенти Жак Ширак бир кунлик расмий ташриф билан Кишинёвга келди. У бу ерда Молдова президенти Пётр Лучинский ва мамлакатнинг бошқа расмий кишилари билан музокаралар ўтказди.

Жак Ширак билан Молдовага келган вазирлар ва ишбилармон доиралар вакиллари бу ерда молдовалик ҳамкасблари билан икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.





«Олпласт Осиё» ишга тушди

Мустақиллигимизнинг етти йиллик байрамига туёна сифатида Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида «Олпласт Осиё» ишлаб чиқариш хусусий корхонаси фойдаланишга топширилди. Мазкур корхона бир йилда 4 миллиондан зиёд полипропилен қоплари ишлаб чиқариш имкониятига эга. 100 га яқин одамни иш билан таъминлаган кичик корхона маҳсулотига талаб катта бўлиб, хориж давлатларидан ҳам харидорлар чиқмоқда.

Кичик корхона раҳбари Фарҳод Мамажонов «Кроссродз» Америка фондидан «Ўзтадбиркорбанк» кўмагида 200 минг долларга яқин кредит олиб, хитойлик ҳамкорлар билан 8 ой ичида корхонани ишга туширишга муваффақ бўлди. Корхона ишга туширилган куни Фарҳод Мамажонов ушбу хайрли ишни амалга оширишда кўмаклашган республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига, «Ўзкимёсаноат» уюшмасига ҳамда «Ўзтадбиркорбанк» раҳбарларига миннатдорчилик билдирди.

СУРАТЛАРДА: **корхона ишидан лавҳалар.**

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 8 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	61,62
1 Австрия шиллинги	8,57
1 Англия фунт стерлинги	173,52
10 Бельгия франки	29,21
1 Голландия гульдени	53,45
10 Греция драхмаси	3,50
1 Дания кронаси	15,83
1 БАА дирхами	28,32
1 АҚШ доллари	104,00
1 Миср фунти	30,45
1 Ирландия фунти	150,85
1 Исландия кронаси	1,47
10 Испания песети	7,09
100 Италия лираси	6,10
1 Канада доллари	68,47
1 Хитой юани	12,56
1 Қувайт динори	342,11
100 Ливан фунти	6,86
1 Малайзия рингтити	27,37
1 Германия маркаси	60,32
1 Норвегия кронаси	13,58
1 Польша злотийси	28,38
10 Португалия эскудоси	5,90
1 Сингапур доллари	59,89
1 СДР	140,69
1000 Туркия лираси	0,38
1 Финляндия маркаси	19,83
1 Франция франки	17,94
1 Швеция кронаси	13,18
1 Швейцария франки	73,39
1 ЭКЮ	118,45
10 Жанубий Корея вони	0,78
10 Япония иенаси	7,88
1 Россия рубли	7,73
1 Украина гривнаси	46,22
1000 Беларусь рубли	2,06
1 Латвия лати	175,49
1 Литва лити	26,00
1 Молдова лейи	21,70
1 Қирғизистон соми	5,05

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Дарё тоққа бўйлади

Мўъжизалар ривоятларда қолган. Аммо бу воқеани ҳам инсон иродаси, тараққиёт мўъжизаси деса арзийди. Қарийб 400 метр қуйида бўлган Тамшуш дарёсидан адирларга сув чиқди. Республика сув иншоотлари қурилишидаги ўзига хос бу тажрибанинг моҳияти шундаки, бунда на электр, на ёқилғи билан ишлайдиган насослар ишлатилмади. Мутахассислар шунинг ўзидан 2-3 миллион сўм маблағ тежалади, дейишмоқда.

Ҳисорак қурилиш трести бунёдкорлари тортиб келган қувурлар дарё сувини ўз оқим кучи билан тепаликка узатмоқда. Энди денгиз сатҳидан 2-2,5 минг метр баландликда жойлашган Тамшуш қишлоғи адирларида 100 гектар суғориладиган ер вужудга келди. Агар шу картошка етиштиришга ихтисослашган, 220 гектаргина ерни гоҳ техника, гоҳ қўш билан ҳайдаб, 1,5-2 минг тонна маҳсулот етиштираётган «Оқдарё» хўжалигининг шароитини ҳисобга олсак, янги экин майдонлари хазинанинг ўзи.

Айни кунларда, бу тажрибани тоғда ёнма-ён бўлган Ҳисор хўжалигида ҳам қўллаш, янги ерлар очиш режаси тузилган. Яна бошқа ҳисоб-китоб бор. Қашқадарёда эндиликда қир-адирлар, тоғ ёнбағирларида экинзорлар яратиш зарурияти туғилмоқда. Демак, дарёлар тоғларга бўйласа, янги боғлар, экинзорлар қулф уради.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тошкент шаҳрини нефть маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

кент шаҳар ҳокимлиги ва «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмасига юклансин.

3. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси:

Тошкент шаҳар автомобиль ёнилғиси қуйиш шаҳобчаларига автобензиннинг уларнинг буюртмасига мувофиқ ҳар суткада кафолатли етказиб берилишини;

хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қуйиш шаҳобчаларига автобензин, уларнинг қувватидан келиб чиққан ҳолда, тўлиқ миқдорда берилишини таъминласин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси билан биргаликда автомобиль ёнилғиси қуйиш шаҳобчаларининг нефть маҳсулотларини истеъмолчиларга узлуксиз берилишини таъминлайдиган иш тартибини ўрнатсин, бунда шаҳарнинг энг серқатнов участкаларида, шу жумладан айланма йўлда жойлашган автомобиль ёнилғиси қуйиш шаҳобчаларининг бутун сутка давомида ишлашини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларининг нефть маҳсулотлари сотишдан олинган ҳар кунги тушумининг ўз вақтида инкассация қилинишини таъминласинлар, бунда хизмат ходимларининг тунги вақтдаги хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси нефть маҳсулотларининг ўғирланиш йўлларини, уларнинг божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилиши ҳолларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича мунтазам равишда қўшма текширишлар ўтказсинлар, нефть маҳсулотларини сотиш борасида ноқонуний фаолият билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишга доир қаттиқ чоралар кўрсинлар.

Автомобиль ёнилғиси қуйиш шаҳобчаларини ва уларга туташ ҳудудларни ҳамда уй-жой иморатларини ёнғиндан муҳофаза қилишнинг аҳволи устидан умумий назоарт Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси қонун ҳужжатларига нефть маҳсулотларини сотишга лицензия бериш ва уларни сотиш қоидаларини бузганлик учун жазони кучайтириш бўйича ўзгартиришлар киритиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар тайёрласинлар.

7. Бош вазир Ў. Султонов 3 кун муддатда махсус аттестация комиссияси таркиби бўйича таклифлар киритсин ва бир ой муддатда:

«Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси марказий аппарати раҳбар ходимларини, нефть маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар корхоналари ва нефть базалари раҳбарларини, шунингдек автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчалари раҳбарлари ва мутахассисларини навбатдан ташқари аттестациядан ўтказсин;

аҳолини нефть маҳсулотлари билан таъминлашда йўл қўйилган қоидабузишлар ва суиистеъмолчиликлар учун қонунчиликка мувофиқ жиноий иш қўзғаш мақсадида материалларни прокуратура органларига беришгача бўлган қаттиқ жавобгарлик чораларини кўрсин;

Тошкент шаҳрининг нефть маҳсулотларини хусусийлаштирилган автомобиль ёнилғиси қуйиш шаҳобчаларига шартнома асосида сотиш бўйича тажрибасини республиканинг бошқа минтақаларига ёйсин.

8. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 июндаги 290-сон қарорининг 5, 6, 7-бандлари; ушбу қарор билан тасдиқланган Хусусийлаштирилган хусусий автоёнилғи қуйиш шаҳобчаларининг ишлаш тартиби тўғрисида Вақтинчалик низом 2-бандининг биринчи хат боши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 10 июндаги 215-сон қарорининг 5, 6-бандлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 20 мартдаги 107-сон қарорининг 4-банди.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 7 сентябрь

Маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сонини қисқартиришга доир чора-тадбирлар комплекси тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Республика комиссиясига:

марказда ва жойларда маъмурий-бошқарув аппаратини сақлашнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигига юқорида баён қилинганлар нуқтаи назаридан танқидий баҳо бериш, бунда маблағ билан таъминлаш манбаларидан (бюджетдан маблағ ажратиш, бюджетдан ташқари фондлар, корхоналарнинг хўжалик фаолиятидан ажратмалар) қатъи назар кераксиз, ортиқча, бирбирига ўхшаш бошқарув тузилмаларини тугатишга асосий эътиборни қаратиш;

ушбу ишларни бажаришда ва таклифлар тайёрлашда маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари сонини 1999 йил 1 январдан бошлаб умуман 20-25 фоизга қисқартириш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратиш;

шу йил 25 октябргача бўлган муддатда фаолият кўрсатаётган маъмурий-бошқарув тузилмаларини ўрганиш натижаларини умумлаштириш, қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши керак бўлган тузилмалар рўйхатини аниқлаш, шунингдек бошқарув ходимлари сонини қисқартириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва ушбу масала бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1999 йил учун давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишда маъмурий-бошқарув аппарати ходимларини қисқартиришдан бўшаб қолган маблағларни, ходимларни моддий рағбатлантириш махсус жамғармаларидаги ажратмаларни меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 15 фоизидан 25 фоизигача ошириш ҳисобига кўпайтиришга йўналтиришни назарда тутсин.

4. Вазирликлар ва идораларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари махсус жамғармаларга ажратмаларнинг белгиланган меъёрларидан келиб чиқиб энг фаол ишлаётган ходимларни рағбатлантириш учун берилган имкониятлардан тўлиқроқ фойдалансинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 7 сентябрь

«Таянчимиз ҳам, суянчимиз ҳам...»

(Давоми. Боши 1-бетда)

яти нималардан иборат?

Рамзий маънода, ҳар бир оила, шаҳар, мамлакатнинг ўз дарвозалари бўлади. Ушбу йўл Ўзбекистоннинг денгиз ва океанга чиқадиган дарвозаси бўлган бўлур эди. Мамлакатимизнинг Марказий Осиё минтақаси марказида жойлашувининг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари мавжуд, дейиш мумкин. Ижобий жиҳати шундан иборатки, биз бутун коммуникациялар марказида, катта йўллар кесишадиган чорраҳада жойлашган бўлсак, салбий жиҳати денгизга тўғридан-тўғри чиқадиган йўлимиз йўқлигидир. Халқаро меъёрларга кўра, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг денгизга тўғридан тўғри чиқиш йўли бўлмаган давлатлар учун белгиланган имтиёзлари мавжуд. Чунки, бундай юртларда маҳсулотларни ташишда йўлкира ҳақи маҳсулотнинг ўз баҳосидан бир неча баробар ошиб тушиши мумкин. Бизнинг денгизга чиқадиган йўлга эга бўлишимиз нафақат иқтисодий, балки сиёсий масаладир. Бу йўл қурилиши бошланганидан кейин ўтган икки йилдан сал ошиқроқ муддатда ундан диёримизга 750 минг тонна ёки 650 миллион долларлик юк ташилган. Жорий йилнинг саккиз ойида эса, 370 минг тонна маҳсулот шу йўлдан бизга етиб келди. Бу рақамларда мазкур алоқа йўлининг бизга келтираётган фойдаси яққол кўриниб турибди. Шунга қарамай, бу, албатта, имкониятларимиз даражасида эмас. Мазкур йўл қурилишига Европа давлатлари — Европа Иттифоқи ташкилоти ҳам хайрихоҳлик билан қарамоқда. Ушбу лойиҳа доирасида ТАСИС дастурининг 16 та лойиҳаси ишлаб чиқиляпти. Улар амалга ошса, мамлакатимизнинг Европа ва Осиё бозорларига, денгиз йўлларига чиқиш осонлашади.

Бокуга сафардан кўзланган асосий мақсад — янги йўл қурилишини янгича тартибга солишдан иборат. Бу шаҳарда қирққа яқин давлат ва ҳукумат раҳбарлари тўпланиб, йўл қурилишини маблағ билан таъминловчи банк, давлатлараро комиссия, котибият каби ташкилотларни тузиш режасини муҳокама этишади. Солиқ, божхона харажатларини озайтириш масалалари муҳокама этилади. Барча иштирокчи давлатлар учун ягона, тенг асосдаги қоидалар ишлаб чиқилади.

Фуқароларимиз ҳукуматимиз юргизаётган сиёсатдан, бутун мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётидан яхши хабардор бўлиши керак. Шундагина ватандошларимизда мамлакатимиз ҳаётига дахлдорлик, Ватан тақдири, истиқболи учун қайғуриш туйғуси шаклланади. Суҳбат асносида давлатимиз раҳбари, таянчимиз ҳам, суянчимиз ҳам мустақилликдир, деб айтди. Бизда ҳар бир фуқаро мустақилликка ишониб, имон келтириб яшайди. Зеро, келажакка ишончи бор кишигина Ватанни севишга ва унга жонини қурбон қилишга тайёрдир. Ислом Каримов ўз сўзларидаги қатъият, ишонч, ҳаяжон бутун халқимизга етиб бориши, халқимиз орасида ҳар хил иккиланишлар, бир ёқлама фикрлар пайдо бўлмаслиги учун шу даражада жон куйдириб, сафар олдидаги қимматли вақтини аямай гапирдики, матбуот анжумани учун ажратилган фурсат аллақачон тугаганини ҳам пайқамади. Унинг ишонч ва қатъияти бутун халқимизнинг танлаган йўлимизга бўлган ишончи ва қатъиятини ифодалайди, десам янглишмайман.

Азим СУЮН,
Салим АШУР

Довруғи жаҳонни кезган кулол

5 сентябрь куни эрта тонгдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йиллигига ҳамда машҳур ва марҳум кулол уста Ибодулло Нарзуллаев таваллудининг 70 йиллигига бағишланган Ғиждувон кулоллик мактаби асосчилари — Нарзуллаевлар сулолаларининг кўргазмаси тантанали очилди. Маросимда академия профессор-ўқитувчилари, тингловчилари ҳамда шу мактабнинг ходимлари, у кишининг қариндош-уруғлари иштирок этди.

Наққошлик билан умрининг охиригача шуғулланиб келган Ибодулло Нарзуллаевнинг юртимиз фарзандлари учун қолдирган турли хил идишлардан тортиб, нафис буюмлари ҳар бир одамда ажиб бир меҳр уйғотади.

Халқ ҳунармандчилигининг ҳозирда 30 дан ортиқ тури бўлса, асосий мураккаб жараёнларини тарғиб қила олган олим ҳам бўлган. У кишининг яратган ҳунармандчилик асарлари билан ҳозирда жаҳондаги тараққий этган Англия, Япония, Америка ва бошқа бир қанча давлатлардаги кўргазмаларда ўғиллари қатнашмоқда.

Яқинда юртимизга келган Хиллари Клинтон хоним ўз киши хонадонига ташриф буюргани ва Хилларидан қувончли мактуб келгани, БМТнинг юртимиздаги собиқ вакили Холид Малик, яқингинада ўз ойласи билан Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Коичи Обатанинг Нарзуллаевлар хонадонида бўлиши, ҳаттоки, «Эътироф» деб номланган китобга ҳам бу кишининг асарлари киритилгани таҳсинга сазовордир.

Кўргазмада бобонинг ўғиллари Алишер ва Абдулла акалар Ибодулло Нарзуллаевнинг ўзи ва меҳнатлари ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди. Шунингдек, тадбирда Франция ва Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Клод Ришар, Коичи Обата ва ЮНЕСКО вакиллари иштирок этдилар ва сўзга чиқдилар.

Абдуғани МАМАСОДИҚОВ

Умрбод қамоқ жазосига

БМТ халқаро трибунали 1994 йилда Руандада содир этилган оммавий қатл ташкилотчиларининг ишини кўриб чиқди. Унга кўра, Руанданинг собиқ бош вазири Жан Камбанда геноцидда айбдор деб топилиб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Айблов хулосасига кўра, собиқ бош вазир ўтказган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишларидан бирида тутси элати вакилларини оммавий қирғин этиш масаласи кўриб чиқилган. Шундан сўнг Руандада 1994 йил апрель-июнь ойлари мобайнида 700 минг нафарга яқин тутсилар хуту элатига мансуб экстремистларнинг қурбони бўлди.

Хабар рад этилди

КХДР ташқи ишлар вазирлиги душанба куни мамлакатда янги баллистик ракета синови ўтказилганлиги тўғрисидаги хабарни расман рад этди. Шу муносабат билан қабул қилинган баёнотда айтилишича, аслида айнан шу куни мамлакат ўзининг биринчи миллий сунъий ер йўлдошини фазога муваффақиятли учирган.

Маълумки, Япония ва АҚШ маъмуриятлари Шимолий Кореяни янги баллистик ракетани синовдан ўтказганликда айбламоқда, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.



Айблов эълон қилинди

Кениядаги Америка элчихонасини портлатишда айбдор деб ҳисобланиб ҳибсга олинган иккинчи кишига расмий айблов эълон қилинди. Яқингинада Найробидан Нью-Йоркка келтирилган Муҳаммад Содиқ Оде қотилликда айбланмоқда. Америка вакилларининг хабар қилишларича, айбланаётган шахс элчихонага ҳужум қилганини тан олгани йўқ, бироқ ушбу террорчилик ҳаракатида ҳамкорлик қилганлигини тан олган. Муҳаммад Содиқ Оде Покистонда ҳибсга олинган эди. Гумон қилинаётган яна бир шахсга икки кун аввал айблов эълон қилинган эди. Айни пайтда Нью-Йоркдаги энг муҳим объектлар қўриқланмоқда. Гумон қилинаётган ҳар иккала шахс сақланаётган қамоқхонада эса хавфсизлик чоралари кўриб, унинг атрофи бетон блоклар билан ўралди.

Ойда муз қатлами бор

Америкалик олимлар Ойда улкан муз қатлами мавжудлигини аниқлашди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоби бўйича Ер доимий йўлдошининг жанубий ва шимолий қутбларида 6 миллиард тонна муз жойлашган.

Жорий йилнинг 11 январидан буён Ой орбитаси атрофида жойлашган «Лунар Проспектор» планетараро зонди узатган ахборотни таҳлил қилиш натижасида олимлар шундай хулосага келди.

Мутахассислар «Лунар Проспектор» аппарати ёрдамида ўтказилган текширишлар натижасидан келиб чиқиб, Ойда кучли магнит майдони ҳамда унча катта бўлмаган 300 километр диаметрдаги темир ядроси мавжуд, деган фикрни ҳам билдирмоқда.

Прокуратура текшируви ўтказилди

Япония прокуратураси мамлакатдаги йирик «Эн-И-Си» электрон корпорацияси штаб-квартирасида текширув ўтказди. Мазкур компаниянинг ҳарбий шартномалар бўлими раҳбарияти вакили Япония ҳарбий мудофаа бошқармасида аниқланган талон-торожликларда иштирок этган, деб гумон қилинаётир.

Прокуратура маълумотларига қараганда, шу кунларда қамоққа олинган 57 ёшли Хидэо Араи «Эн-И-Си»нинг «Тоно» шўъба корхонаси раҳбарияти билан ҳарбий мудофаа бошқармаси амалдори ўртасида воситачилик қилган.

Қонун овозга қўйилмади

Британия парламенти лордлар палатаси терроризмга қарши кураш тўғрисидаги махсус қонун лойиҳасини овозга қўймасдан маъқуллади.

Шимолий Ирландиянинг Ома шаҳрида 15 август куни содир этилган йирик қўпорувчилик ҳаракатидан сўнг лейбористлар ҳукумати мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиққан эди.

Янги қонун қўпорувчилик ташкилотлари аъзоларига нисбатан айблов қўйиш жараёнини енгиллаштиради. Бундан буён уларни қамоққа олиш учун биргина юқори мартабали полиция ходими кўрсатмаси ҳам етарли бўлади.

Руҳият

Танадаги дардни «туртманг»

Тушга нималар кирмайди дейсиз? Истаса бизни осмонда учиради ёки ерга «киргазади», ўлганларни тирик кўрамиз, тирикларни ўлик... Даҳшатдан қалт-қалт титраб уйғонгач, «Хайрият, тушим экан, ё алҳазар!» дея ёқага туфлаймиз. Ширин тушдан анчагина тамшаниб юрамиз. Хуллас, тушда ненеларни «кўрамиз».

Таъбирини излаб қоламиз. Очиғи, шу пайтгача негадир тушларимнинг, таъбири тўғрими-йўқми кўпам қизиқсинмас эканман. Яқинда хориж газеталаридан бирида ғалати бир «янгилик»ни ўқиб қолдим. «Туш касалликни олдиндан «айтади» депти. Ўқидим-да, аз-баройи қаттиқ ишонганимданми, яқин орада «кўрган» тушларимни рўйхатга олиб, махсус дафтарча тутадиган бўп қолдим. Ёзиб боряпман, қолдирмай. Аввалари ҳар куни туш кўраверсам ҳам ўйламасдим. Энди ҳар куни бош қотираман: нимани кўрдим? Миридан-сиригача эслашга уринаман.

Қадимгилар тушингни сувга айт, хосиятли бўлади дейишган, тўғрими? Ҳозир замон бошқача. Сувгамас руҳшуносга айтсангиз «ечиб» беради. Руҳшуносмас, баъзи оддий дўхтирлар ҳам «айтишга» тушишипти.

Мана, оддий дўхтир Касаткин. Санкт-петербурглик Владимир Касаткин ҳузурига келган беморга деркан: «Қандай туш кўрдингиз?» Кейин тушига қараб касални аниқ-тиниқ айтиб бераркан. Касаткинча таъбир бўйича: тушда баландликдан шувиллаб пастга қуласангиз, демак юрак ҳужумга тайёрланяпти, устингиздан оғир юкми, кўзга кўринмас ғайритабиий куч «босиб тушса» бўғма касалсиз, яқинда фалаж бўларкансиз. Уйқудаги «бўғиш» — билсангиз ўпкангиз чатоқ дегани. Сизга нотаниш қоронғу жойларда тентираб юриш, ошқозон яллиғланган, ичакларда яра бор. Уйқунгизда алоқ-чалоқ, даҳшатларни кўрсангиз (рости, буни Касаткиндан бошқа дўхтир ҳам менга анча олдин айтувди) асаб «шилқиллаб» бўшашиб қолган ёки таранг «тортилган» дегани...

Эҳ, тушлар ҳам бор бўлсин. Дафтарчамни варақлайман: душанба — бир миллион лотереядан ютибман. Сешанба —уйимга ўғри тушган. Чоршанба — туни билан даҳшатли маҳлуқмас, уни мен қувиб... тутолмапман. Пайшанба — қарз бериб уч йилдан буён ололмай юрган танишим бир қучоқ пул ўрнига гул берса йиғлаб-йиғлаб: «Гул эмас, пул бер, пул» деб ақуханнос солармишман. Жума — уруш, шанба... якшанба яна алланарсалар.

Касаткинча таъбирни ўйлаб-ўйлаб ҳеч ечолмадим. Қизиқ, танамдаги қайси аъзоим касал экан-а? Ўйлаб бошим аринг инидек ғувиллаб кетди. Биқиним санчди-ёв, яна шанбада тушимда кимдир устимга тош ташладими-ей, демак... Бўшашиб кетдим, назаримда. Оёқ-қўлларим ҳам ўзимга бўйсунмаётгандай. Ошқозон, буйрак, юрак... Э, барибир дўхтирлар биздан кўп хато қилади. Ўйлаб кўринг, нега қовурға оғриса қандай туш кўрамиз, айтмаган, ёки умуртқачи, умуртқа... Бир танишим «менинг тушларимга тўппа-тўғри келди» деса, яна бири «Э, кўтар касаткин-пасаткинингни, қайтамга бошим лўқ-лўқ оғрийдиган бўлиб қолди» алам билан жавоб қилди.

Яна бири «яқинда-чи, болаликдаги оғайним — Малик Миртеша анув тепаликдан тушида йиқилибди, энди инфаркт бўлсам керак деб, олдиндан 20 кунлар ишга чиқмай касалини «кутди». Қаёқда?! Отдек юрибди. Қайтанга режадаги ишлар орқага кетгани учун бригадирликдан оддий ҳайдовчиликка тушиб қолгани қолди. Бунисига нима дейсиз?

«Нима туш кўрдинглар» уйдагилардан сўрадим. Бу таъбир танамдаги йўқ дардни «туртди», чоғи, касалдайман. Ўғлим: «Ойи, тушингизни сувга айтинг, бувим шунақа дейдилар» деб жавоб қилди. Ростанам кечадан буён туш кўрсам сувга айтаяпман. Айтдим — тинчидим. Назаримда дарддан турган одамдай енгил, руҳим қушдек. Тез-тез юраман-да, юрагимни «эшитаман» — жойида, мана сизга туш таъбири. Сувга айтинг, яхшисиниям, ёмониям, тушнинг ёмони йўқ, яхшиликка йўй хосиятли бўлади, дейди онам. Ёмонини оқизиб кетсин.

Тушларимга нима кирса, кирсин майли. Фақат танамдаги йўқ дардни туртмаса бўлди. Майли, сиз ҳам тушларимга киринг. Руҳим сизни «кўрсин», майли.

Саида БОНУ


Парвозинг баланд бўлсин



Барчамизга яхши таниш минг километргача масофа йўналишларида неча ўн йиллар давомида хизмат кўрсатган «Ан-24», «Як-40» самолётлари ҳозирга келиб ҳам маънавий, ҳам жисмонан эскирди. Даври тугаб бораётган бу самолётлар ўрнини замонавий ва қулай янги тайёралар эгалламоқда. Яқинда Тошкент — Самарқанд — Тошкент йўналишида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигига мансуб янги «Ил-114» самолёти ўзининг дастлабки тижорат қатновини амалга оширди. Уни С.Ильюшин номидаги Москва конструкторлик бюроси ва Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари яратишди. Янги самолёт замонавий, қулай, экологик жиҳатдан тоза ва ёқилғини кам ишлатади, бошқариш эса енгил. 64 йўловчига мўлжалланган янги самолёт соатига 530 километр учади. Парвоз олислиги 1000 километрни ташкил этади. Шу боис у ўзининг учиш техник ва фойдаланиш ўлчамларига кўра жаҳон авиация бозорида рақобатбардош. Ўзбек учувчилари МДҲда биринчи бўлиб шу туркумдаги 2 самолётга эга бўлишди. Бу йўловчиларга хизмат кўрсатишда янада қулайлик туғдиради. Шуни таъкидлаш лозимки, «Ил-114» самолётига яқин ва олис хорижда эҳтиёж катта. Чунончи, биргина Россиянинг ўзига шундай туркумдаги бир неча юз самолёт керак. Вьетнам ҳам «Ил-114» ни олиш тараддудида. Жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳам бундай самолётга эҳтиёж мавжуд. Дарвоқе, Тошкент авиасозлари ҳар ойда шундай самолётдан бир нечтасини ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Айни чоғда жаҳон бозорини кўзлаб, янги самолётни такомиллаштириш устидаги ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, шу йил охирига қадар унга ресурси 1500 соат бўлган двигателлар ўрнатиш мўлжалланган. Шунингдек, Омск двигатели (ресурси - 3000 соат) ва Канаданинг «Пратт эн Уитни» фирмаси двигатели (ресурси - 5000 соат) ўрнатиш устида ҳам ишлар давом эттирилмоқда. Бу эса буюртмачи эҳтиёжи ва истагига қараб самолёт тайёрлаб бериш имкониятини беради.

Шундай қилиб, «Ил-114» катта ҳаётга йўл олди. Мамлакатимиз довруғини оламга ёйишда доимо парвозинг баланд бўлсин!

Алишер РЎЗИЕВ



Сокинлик

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Курашимиз тарихида ёрқин саҳифа

«Президент совринн»

Шундай бўлди. Ўзбекона белашув халқаро мақом олди. Курашнинг жаҳоний эътироф олиши билан боболаримиз руҳи шодланди. Яқин келажакда кураш бўйича Лондон, Париж, Нью-Йорк ёки Токиода жаҳон чемпионати ўтказилармиш дейилса, ҳайрон бўлишга сира ўрин қолмади. Бунга якшанба куни эрта саҳарлаб пойтахтнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонаси мажлислар залига тўпланганлар иқрор бўлишди. Анжуман асосан курашимизга халқаро мақом берилишига бағишланди. Жаҳоннинг 27 мамлакатидан ташриф буюрган дзюдо бўйича мутахассислар ва федерация раҳбарлари бир овоздан Кураш халқаро федерациясини тузишга қарор қилишди. Бу уюшманинг Президенти этиб Комил Юсупов сайланди, бош котиб эса Аббос Тўйчибоев бўлди. Йиғилишда шунингдек, курашнинг устави, низоми, қонун-қоидалари, уюшма ижро қўми аъзолари ҳам тасдиқланди. Европа, Осиё, Америка кураш федерацияларининг раҳбарлари ҳам маълум бўлди. Йиғинда юртбошимиз И.Каримовни халқаро кураш федерациясининг фахрий Президенти этиб сайлаш ҳақидаги таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз спорти тарихида йирик воқеа юз берди. Биринчи марта спортнинг

1

«КАМТАР» МАХСУМЧА

Янги бошлиқ котибага ҳамма ўз хонасига тўпланишини тайинлади. Бу хабарни эшитган Камтар Камолович биринчилардан бўлиб, бошлиқ хонасига устма-уст узр сўраб, эгилганича кириб келди:

— Ҳа, ҳа, зерикмай ўтирибсизми?

Бошлиқдан садо чиқмади. Аммо у ўзини билмасликка олиб давом этди.

— Жамоамизга эрта-индин кўникиб қоласиз, - у ёпқич остидаги чойнакдан бошлиққа чой сузиб узатаркан, яна майин овозда гапира кетди. - Ҳар ҳолда ёшим, кечирасиз, сиздан анча-мунча катта. Ишқилиб, унчаниз кўриб чиқамиз, - деди жилмайиб бошлиқ.

Камтар Камолович эски ёзма ахборотларнинг андозасини асраб қўярди. Шундай бўлса ҳам янги бошлиққа ёқармикан, деган хулосага бориб, алланималарни қоралади. Қаншарига қўндирган кўзойнагини қўлига олиб, бошлиқ хонаси томон юрди. Котиба бошлиқ бўш эканлигини, кираверишн мумкинлигини айтса ҳамки, Камтар Камолович эшикни оҳиста уч марта чертди. Садо чиқмагач яна чертди. Илжайганича котибага қарадн-да, сўнг эшикни секин очиб ичкарига мўралади. Бошлиқ ниманидир ўқиб ўтирарди.

Камтар Камолович «қаранг бошлиқ янги бўлгач, котибанинг ҳам сиркаси сув кўтармайдиган бўлиб қолди-я» дея оҳиста тўнғиллаб хонадан чиқди.

Камтар Камоловичнинг ёши етмишга яқинлашган бўлса ҳам, ҳаливери корхонани тарк этгиси йўқ. У ўттиз етти йил бу кичик жамоада ишлаб, кўп бошлиқларни кўрган. Ўта «камтар»лиги, бошлиқларга нисбатан ҳурматни жойига қўя олиши, ҳатто қумурсқага ҳам озор бермаганлиги туфайли унвон эгаси ҳам бўлди. Эҳтиёткорликда устаси фаранг. Бирор ахборот, ҳисобот ёзмоқчи бўлса — аввало, фикрини жамоа аъзоларига бирма-бир айтиб чиқар, сўнг бошлиқ ҳузурига кирар. Ёзиб бўлгач, ҳамма масъулиятни ўзидан соқит этарди. Ёшларни ака деб, ўз юмушини битирарди. Ҳатто бир нима харид қилмоқчи бўлса ҳам — аввало кампиридан рухсат сўрар, сўнг уни бошқаларга мақтарди. Бошлиқлар янги бўйинбоғ тақишса ҳам хўп ярашганлигини айтишдан чарчамасди. Шу боис уни суғуртачилар «махсумча» деб аташарди. Бу гал эса...

Орадан бир ҳафта ўтгач, Камтар Камолович уйига хуноб бўлиб қайтди.

— Ҳа, авзойингиз мунча бузуқ, нима бало йўлингизни қора мушук кесиб ўтдими, бобой? - деди кампири.

Камтар Камолович ҳансираб, ичкарига кирди ва ўзини диванга ташлади.

— Шип-шилтиқ терладим, иссиқ чойингни узат!

У кампири узатган чойдан тез-тез ҳўпларкан, сўзида давом этди.

— «Сакрашения»га тушганимни таксичилар ҳам билганми, асло тўхташмади-я, анча яёв юрдим, уф!

— Нима, ишдан бўшадингизми? - Кампирининг туксиз қошлари керилди, кўзлари чақчайди. - Неварангизнинг кичкинасини уйлантирмоқчи эдик, энди нима бўлади?

Камтар Камоловичдан садо чиқмади.

— Камтарлигингиз бошингизга етди! Айтмовдимми, ҳозир замон ўзгарди, кўзингизга қаранг, кўпам бошлиқларга хушомад қилманг, деб.

Кампир вайсай-вайсай ошхонага кириб кетди. Камтар Камолович эса унинг сўзларини эшитмас, у мангу уйқуга кетганди.

Даврон БАҲРОНОВ

Vatanni sevmak iymondandur!


O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 8 sentyabr, seshanba № 109 (22.346).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

оммавий турларидан бирини янада ривожлантириш, халқаро мусобақалар ташкил қилиш, турли мамлакатларда кураш федерацияларини тузиш каби хайрли тадбирларни амалга оширувчи ижроқўм раҳбарияти Тошкентда фаолият кўрсатадиган бўлди. Дастлабки тадбир келаси йил кузакда пойтахтимизда жаҳон чемпионати ўтказиш билан бошланади.Бунақаси ҳали бўлмаган. Бу келажаги буюк давлатнинг дунёвий тараққиёт сари дадил одимлаётганидан нишонадир. Албатта, жаҳоний эътироф ўз-ўзидан бўлмас. Халқаро спорт ҳамжамияти юртимизда курашга қизиқувчилар беҳисоблигини, жаҳон, Европа ва Осиё чемпионлари камол топганини англаган ҳолда спорт турларини яна биттага бойитишга қарор қилишди.



Курашнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Эрамиздан аввалги IY асрдаёқ ўзбекона кураш билан шуғулланилгани маълум. Беллашувнинг энг ривожланган даври соҳибқирон Амир Темур юрт сўраган кезларга тўғри келади. Олмон тарихчиси Вамберининг ёзишича соҳибқирон жангчиларининг муваффақияти ўша даврда Мовароуннахрда кенг оммалашган курашнинг ҳосиятидан экан. Кураш йигит кишида ғалабага бўлган иштиёқни кучайтириб, кучли, чидамли, чаққон ва журъатли бўлишга ўргатади. Шунинг учун ёшларимизнинг курашга ошуфталиги кексалар таъбири билан айтганда қондан ўтган, десак муболаға бўлмас. Ҳозир юртимизда миллионга яқин киши белашишга ишқибоз. Улардан 75 минг нафари расмий равишда спортчи сифатида қайд этилган.

Шунинг учун ҳам пойтахтнинг «Жар» спорт марказида илк марта уюштирилган халқаро кураш мусобақасига қизиқиш жуда катта бўлди. Ўйингоҳ ҳар қачонгидан гавжумлашди. Улар орасида ёш болалардан тортиб, нуроний отахонларгача бор эди. Беллашувлар эса 40 дан зиёд полвоннинг икки гуруҳга бўлинган ҳолда ташкил этилди. Биринчи гуруҳда туркиялик олимпия ва жаҳон чемпионати совриндори Селим Татарўғлу билан грузин Рамаз Чочишвилилар ғолибликка даъвогарлик қилишди. Селимнинг юртдошимиз Абдуқодир Пирматов, Рустам Юсупов билан баҳслари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Грузин полвонининг эса ярим финалга чиқиш учун эстониялик Индрек Бертелсон билан жанги муросасиз бахсга айланди. Бир юз саксон килограмм вазнлик Рамаз билан Индрекнинг кураши олқишларга сабаб бўлди. Бунда Рамазнинг қўли баланд келиб, финалга чиқиш беллашувида қатнашиш ҳуқуқини олди. Шундай қилиб, Селим билан Рамаз ўйингоҳ ўртасида ўрнатилган кураш супасига кўтарилишди. Бу беллашувда Селимнинг тажрибаси устун келиб, мунча кишининг орасида мавқеимиз ҳам бор. Эплаб кетишингизга кўмаклашамиз.

Камтар Камоловичнинг бу гаплари бошлиққа эриш туюлса-да, сездирмади. Хонага ҳамма ходимлар тўпланишгач, бошлиқ уларга бир-бир назар ташлади. Ҳақиқатан ҳам Камтар Камолович жамоанинг энг кекса ходимларидан, ҳурматини қўйиш керагов, деган фикр хаёлидан кечди. Ишчи ўринларини қисқартириш тўғрисида юқоридан келган фармойишни ўқиб беришга шу боис шошилмади. Бу масалани бир ҳафтага кейинга суриб қўйди. Ҳафталик иш режаларини тузиш, бошқармага ёзма ахборот тайёрлаш кераклигини айтди. Шунда ҳамма ерга қаради. Бундан бошлиқ тааҗжубланди. Буни сезган Камтар Камолович мунчоқдек гавдасини ғоз қилиб, ўрнидан турди:

— Қизим, минг бор узр, бошлиқ ҳали янги-да, ҳозирча қолипимизга ўрганмаган.

Котиба бу кишининг чайналишига ўрганиб қолгани учунми унинг қўлидан қоғозларни шартта тортиб олди-да, ишга киришди.

Бу ҳолдан афти бурушган

— Кечирасиз, мингбор кечирасиз, диққатингизни бўлмоқчи эмасдим. Шу ёзма ахборотнинг кириш қисмини ана шундай бошладим, сизга маъқул бўладими, йўқми?

Камтар Камолович букилиб ёзма ахборотни ўқий бошлади. Икки қатор жумлани ўқигач хўш, дегандек бошлиққа қаради.

— Майли, ихтиёрингиз охиригача ёзиб, сўнг олиб киринг, - деди бошлиқ сабри чидамай.

Ёзма ахборот қиёмига етгунча, Камтар Камолович бошлиқнинг ҳузурига неча бор кириб, неча бор чиққанини ўзи ҳам билмайди. Охирида хонадан чеҳраси анча тундлашиб чиқди. Унинг қўлидаги ёзма ахборот ҳудди гулли сўзанага ўхшарди. Шунинг учун ҳам Камтар Камолович котибага камтарлик билан деди:

— Қизим, минг бор узр, бошлиқ ҳали янги-да, ҳозирча қолипимизга ўрганмаган.

Котиба бу кишининг чайналишига ўрганиб қолгани учунми унинг қўлидан қоғозларни шартта тортиб олди-да, ишга киришди.

Бу ҳолдан афти бурушган

2

ҳал қилувчи баҳсга йўлланма олди

Иккинчи гуруҳда эса, грузин Давид Хахалишвили билан курашчимиз Муҳаммадўст Тошев совринли ўринга талабгорлик қилдилар. Лекин Тошев чорак финалда россиялик Давид Богоурийга имкониятни бой бериб қўйди. Иккинчи курашчимиз Тоштемир Муҳаммадиев эса беллашувларни муваффақиятли давом эттириб, ярим финалга чиқди. Ҳал қилувчи баҳсда иштирок этиш учун бўлган жангда Давид билан Тоштемир ўзаро рўбаро келишди. Тоштемир бу жангда бўш келмасликка, осонликча ён бермасликка зўр берди. Лекин олимпиада чемпиони Давиднинг малакаси устун экани намоён эди. Шу тариқа бош совринни учун кураш Селим билан Давид ўртасида ўтадиган бўлди. Кўпчилик якунловчи беллашув кўтаринки рухда ва жангу-жадал остида бўлади деб кутган эди. Аммо, кутилмаганда Давид лат еб, ғалабани Селимга беришга мажбур

бўлди. Олқишлар остида туркиялик Селим Татарўғлунинг қўли баланд кўтарилди.

Биринчи марта кураш бўйича ўтказилган халқаро мусобақа ҳар жиҳатдан муваффақиятли ўтди. Ғолибларни мукофотлаш маросими ҳам байрамона тус олди. Ўзбекона анъанага мувофиқ ғолибларга тўн, дўппи ва қийиқча инъом этилди. «Президент совринн» турк полвонига насиб этди. Унга билур совринн билан бирга ўн минг АҚШ доллари ҳам берилди. Иккинчи ўринни олган Давид Хахалишвилига 5 минг, учинчи ўрин эгалари Бертелсон билан Чочишвилига 3 минг доллардан мукофотлар берилди. Мусобақада гарчанд полвонларимиз совринли ўринларни олишмаган бўлсада, лекин улар учун бу беллашув маҳорат мактаби бўлиб қолди. Ўйлаймизки, яқин йиллар ичида йигитларимиз халқаро майдонларда ўзларини эркин ҳис этиб, миллий ғурур ва миллий ифтихор билан ўзбек ўғлонлари эканликларини баралла намойиш этадилар.

Мукофотларни топшириш маросимида республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтамурод Рисқиев, республика Бош вазири ўринбосари Алишер Азизхўжаев, спорт қўмитаси раиси Баҳодир Маҳситов ва бошқалар иштирок этишди. Тадбирда шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ҳам ҳозир бўлди. Томошабинлар ўзига хос кураш сайлидан унутилмас таассуротлар билан қайтишди.

Ҳайдар НОСИРОВ

Суратларда: халқаро беллашувлардан лавҳалар.

Суратқашлар: Абдувоҳид ТЎРАЕВ, Алишер РИСҚИЕВ, Муҳаммад АМИН (ЎзА)

Барча ногиронлар диққатига!

Келинг, ўрганинг, яхши яшанг.

Фақат сизлар учун: инглиз, ўзбек, рус ва корейс тиллари, компьютер , сартарошлик (эркак ва аёллар) курслари бепул ўргатилади.

7.09.98 дан 14.09.98 гача мурожаат қилинг.

Тел: 78-78-80, 78-82-70, 10^{00}-15^{00}гача

Манзил: Тошкент шаҳри,Лутфий кўчаси, 47. Трамвай 4,9. Автобуслар 2, 33, 13 «Кўрлар жамияти» бекати. Республика ҳунар-техника билим юрти.

Ногиронларга кўмаклашувчи «Лов» масъулияти чекланган жамият.

Қаламидан ўт чақнаган мухбирлар керак!

Ҳа, азиз юртдошлар, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти бугундан бошлаб Жиззах вилояти бўйича мухбирликка — доимий ишлаш учун танлов эълон қилади.

Қалами қалов, сўзлари олов ҳамкасбларни

танловга таклиф этамиз

Мақолаларингизни бугундан бошлаб жўнатишингиз мумкин. Ғолиб газетанинг Жиззах вилояти бўйича мухбири этиб тайинланади.

Телефон: 133-76-04, 133-47-80

Газетамизнинг навбатдаги сони 12 сентябрь — шанба куни чиқади.

3

Барча акционерлик жамиятларининг акционерлари ва раҳбарлари диққатига!

Акционерларнинг акционерлик жамиятини бошқаришда фаол иштирок этиши, акционерлар умумий мажлиси ва кузатув кенгашининг ролини ошириш, бозор шароитларида корхоналарнинг самарали ишлаши учун ижроия органларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 361-сонли «Акционерлик жамиятлари бошқарув тизимларини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан қуйидагилар тасдиқланди:

Акционерлик умумий мажлиси тўғрисида намунавий Низом;

Акционерлик жамияти кузатув кенгаши тўғрисида намунавий Низом;

Акционерлик жамиятининг ижроия органи раҳбарини ишга ёллаш тўғрисида намунавий меҳнат шартномаси;

Давлат акциялари тўпламларини ишонч бошқарувига бериш тартиби.

Акционерлик жамиятларида давлат вакили тўғрисида Низом.

Шу муносабат билан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўлими Тошкент шаҳридаги барча акционерлик жамиятларига қарор чиққан кундан бошлаб 3 ой муддат ичида қуйидагиларни амалга оширишни тавсия қилади:

1) Ўзларининг таъсис ва ички меъёрий ҳужжатларини юқорида номлари таъкидланган ҳужжатларга мослаштириш.

2) Кузатув кенгашларининг таркибини уларга энг катта акциялар тўплами эгаларини, шу жумладан давлат улушини бошқариш ҳуқуқи берилган тармоқ бошқарув органи кўринишида давлатнинг вакилларини ҳам киритиш йўли билан қайта кўриб чиқиш.

Бунда давлат улуши 25%дан ошган акционерлик жамиятларида давлат вакили, агар давлат акциялар тўплами ишонч бошқарувига берилаётган бўлса — давлат улуши бўйича бошқарув органининг вакили, мансабига мувофиқ равишда кузатув кенгашига кириши назарда тутилиши лозим (сайланмайди, балки мансаби бўйича кузатув аъзосидир).

Шу мақсадларда акционерлик жамиятлари тармоқ бошқарув органлари билан биргаликда акционерларнинг навбатдан ташқари умумий мажлисини ўтказиш санасини аниқлашлари ва Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига маълум қилишлари лозим.

3) Кузатув кенгаши билан ижроия органининг раҳбари ўртасида уни ишга олиш тўғрисида меҳнат шартномаси (контракт) тузилишини амалга ошириш.

4) Корхона фаолияти натижалари бўйича ижроия органи раҳбарларининг ҳар чоракда кузатув кенгашида ва вақти-вақти билан акционерлик умумий мажлисида ҳисобот беришини амалиётга киритиш.

Шунингдек, илгари тузилган давлат акциялари тўпламини ишонч бошқарувига бериш тўғрисидаги шартномаларни қайта кўриб чиқиш жараёнида акционерлик жамиятлари кузатув кенгашларининг таркибига киритишга тавсия этилаётган тармоқ бошқарув органларининг вакиллари рўйхатини Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармасига тақдим этилишини сўраймиз.

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг Тошкент шаҳар бўлими.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55,133-47-80.
факс — 133-38-55,133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухородa — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ислом ҲАМРО,* навбатчи *Маъмуржон ҚИЁМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Дилором БЕКМУРОДОВА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 19.629 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади

Г — 0313

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА